

**Дехқон хўжаликлари, томорқа ер эгалари билан кластерлар  
ташкilotлари ўртасида мустаҳкам иқтисодий алоқалар  
ўрнатилишининг самарадорлиги**

**ЭФФЕКТИВНОСТЬ УСТАНОВЛЕНИЯ ПРОЧНЫХ  
ЭКОНОМИЧЕСКИХ СВЯЗЕЙ МЕЖДУ КРЕСТЬЯНСКИМ  
ХОЗЯЙСТВОМ, ПОМЕЩИКАМИ-ПОМЕЩИКАМИ И  
ОРГАНИЗАЦИЯМИ КЛАСТЕРОВ**

**The effectiveness of establishing strong economic ties between the peasant  
economy, landowners and cluster organizations**

**Якубова Хуршида Урақовна  
Якубова Хуршида Ураковна  
Yakubova Khurshida Urakovna**

**Озиқ–овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва  
тадқиқотлар халқаро маркази таянч докторанти**

**Докторант Международного центра стратегических разработок и  
исследований в продовольственной и сельскохозяйственной сфере**

**Doctoral student at the International Center for Strategic Development and  
Research in Food and Agriculture**

**Аннотация:** Тезисда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари билан кластер ташкilotлари ўртасида мустаҳкам иқтисодий алоқалар ўрнатишининг иқтисодий самарадорлиги ёритиб берилган.

**Аннотация:** В диссертации подчеркивается экономическая эффективность установления крепких экономических связей между крестьянскими хозяйствами и землевладельцами и кластерными организациями.

**Annotation:** The thesis describes the economic efficiency of establishing strong economic relations between peasant farms and landowners and cluster organizations.

**Калит сўзлар:** деҳқон хўжалиги, томорқа ер эгаси, қишлоқ хўжалигида оилавий тадбиркорлик, мини-кластер, “Томорқа хизмати” МЧЖ, кредит, субсидия.

**Ключевые слова:** крестьянское хозяйство, собственник приусадебного участка, семейный бизнес в сельском хозяйстве, мини-кластер, кредит, субсидия.

**Keywords:** farming, owner of a household plot, family business in agriculture, mini-cluster, loan, subsidy.

Мамлакатимизда қисқа давр ичида оилавий тадбиркорликни тартибга солиш ва унинг ривожланишини рағбатлантириш тизими шаклланди. Тизимнинг асосини оилалар ва уларнинг аъзоларига даромад келтирувчи ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатишда эркин фаолият юритиш ва уни қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳимоялаш ҳуқуқини берувчи қонунчилик ҳужжатлари ташкил этади. Ушбу соҳадаги қонунчилик ҳужжатларини амалиётга киритилиши билан республикада қишлоқ хўжалигида кенг миқёсида оилавий тадбиркорликнинг турли шакллари фаолият юрита бошлади. Ҳукумат томонидан кўрилган таъсирчан чоралар туфайли ушбу соҳада аҳоли бандлиги ошди ва қишлоқ хўжалигида оила тадбиркорлигининг озиқ-овқат хавфсизлигига ҳамда иқтисодий ўсишга қўшаётган ҳиссаси ошиб бормоқда. “Ҳаракатлар стратегиясидан - Тараққиёт стратегияси сари<sup>1</sup>” тамойилига асосланган, етита устувор йўналишдан иборат “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да, қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони

йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш мақсад қилиб қўйилди. Ушбу мақсадга эришиш учун: туманларни аниқ маҳсулот турини етиштиришга ихтисослаштириш; қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қўламини кенгайтириш ва суғурталашнинг янги механизмларини амалга ошириш; янги ва фойдаланишдан чиққан 464 минг гектар майдонни ўзлаштириш ва кластерларга очик танлов асосида ажратиш; 200 минг гектар пахта ва ғалла майдонларини қисқартириш ҳамда аҳолига очик танлов асосида узок муддатли ижарага бериш каби бир қанча вазифалар белгилаб олинди.

Амалга оширган тадқиқотлар натижасида, оилалар салоҳияти қишлоқ хўжалигида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга тўлиқ жалб этилмагани аниқланди. Оилалардаги меҳнат ресурслари, билимга эга мутахассислар, турли соҳаларда вақтинчалик бандлик ва шу каби бошқа оила активлари ҳали яқка тадбиркорлик, уй меҳнати ёки оилавий корхоналар ташкил этишда тўлиқ фойдаланилмаяпти. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишга молиявий кўмаклашиш, уларнинг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш, маҳаллабай ишлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш орқали камбағалликни қисқартириш, республика, вилоят, туман ва шаҳарларда кўрсатиладиган давлат хизматлари ва манзилли молиявий қўллаб-қувватлаш инструментларини бевосита маҳалла даражасига тушириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги ПҚ-3777-сонли, 2018 йил 26 апрелдаги "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ПҚ-3680-сонли, 2018 йил 14 июлдаги "Аҳолини бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3856-сонли, 2021 йил 5 августдаги "Маҳаллаларда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик субъектлари билан аҳоли ўртасида кооперацияни ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги

ПҚ-5214-сонли, 2021 йил 20 декабрдаги "Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-55-сонли Қарорлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу яратилган ҳуқуқий асослар оилавий тадбиркорлик ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашда янги босқични бошлаб берди.

Мазкур қарорларда белгилаб берилган ўта долзарб, шу билан бир қаторда юқори ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган вазифаларни ҳал этишда янгича ёндашувларни талаб қилади. Шундай ёндашувлардан бири маҳалла ҳудудида оила тадбиркорлигини ривожлантириш ва унинг салоҳиятини оширишда кластер механизмини жорий этиш ҳисобланади. Хусусан, “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурининг асосий йўналишларининг 5-қисмида “қишлоқ ва маҳаллаларнинг ихтисослашувини (хунармандчилик, тикувчилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айрим турларини етиштириш, ихчам иссиқхоналар ташкил қилиш ва бошқалар) ҳисобга олган ҳолда мазкур соҳада ижобий натижаларга эришган ишбилармонлик тажрибасига эга тадбиркорларни маҳаллаларда янги бизнес фаолияти билан шуғулланишни бошлаган оилаларга бириктириш – мини кластерлар ташкил этиш” вазифаси белгиланган. Ҳозирги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларида ушбу механизмни кенг жорий этиш, молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қатор Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинган ва улар амалиётга жорий этилмоқда<sup>2</sup>. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3680-сонли қарори билан

---

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Сирдарё вилоятида замонавий пахтачилик-тўқимачилик кластерини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида. 2017 йил 15 сентябрь, ПҚ-3279.; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Ёшлар тадбиркорлик кластерини ташкил этишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида. 16.10.2017 й., № 834.; Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан. О дополнительных мерах по организации деятельности хлопково-текстильных производств и кластеров. 31.03.2018 г. №253.

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши хузурида республикамизнинг барча туманларида асосий вазифаси деҳқон, фермер хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сотишда амалий ёрдам кўрсатиш ҳисобланган «Томорқа хизмати» МЧЖлар ташкил этилди ҳамда унинг вазифалари белгилаб берилди:

- фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига шартнома асосида зарур моддий ресурслар, шу жумладан, уруғлар, кўчатлар, таралар, техника, чорва моллари, парранда, қуён, асалари уяси, балиқ, қишлоқ хўжалик техникалари ҳамда эҳтиёт қисмлари, омухта ем, минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш учун кимёвий воситалар ва асбоб ускуналар етказиб бериш, шунингдек, иссиқхоналар қуриб бериш;
- ерларни рекультивация қилиш ва қишлоқ хўжалиги экинларини экиш;
- суғориш тизимини яратиш ва яхшилаш, сув насослари ўрнатиш, артезиан қудуқлар қазилари ва томчилатиб суғоришни ташкил этиш;
- фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларидан харид қилинган, шунингдек, ўз майдонларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саралаш, тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, қуриштириш, қадоқлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни ички ва ташқи бозорларда сотиш ҳамда экспорт қилиш.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июнда “Аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4767-сонли Қарори билан кластер усулида фаолият юритадиган «Томорқа хизмати» МЧЖлар вилоятлар кесимида белгилаб берилди ва уларга моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, фаолиятини янада кенгайтириш ва аҳоли томорқаларини хизматлари билан қамраб олиш даражасини ошириш, шунингдек маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятларини янада кўпайтириш мақсадида:


- аҳоли томорқаларига кафолатланган кўчат ва уруғларни тизимли етказиб беришни ташкил этиш учун «Томорқа хизмати» МЧЖларга иссиқхона, совутгичли омборхоналар, чорвачилик мажмуалари куриш учун асосланган ҳисоб-китобларга мувофиқ ер майдони ажратилиши;
- «Томорқа хизмати» МЧЖлар кузатув кенгашлари таркибига, туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси аъзо бўлиб киришлари;
- аҳоли томорқаларига кафолатланган кўчат ва уруғларни тизимли етказиб бериш, маҳсулотларни сотишни ташкил қилиш учун вилоятлар ва туман (шаҳар)лар марказий деҳқон бозорларида, аҳоли гавжум пунктларида «Томорқа хизмати» МЧЖлар учун махсус савдо майдонларини ажратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кластер усулида фаолият юритадиган “Томорқа хизмати МЧЖларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида” Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан бир қанча имтиёзлар берилди:

- кластер усулида фаолият юритадиган «Томорқа хизмати» МЧЖларга 3 йил муддатга кредит ёки уларнинг устав капиталига кейинчалик сотиш ҳуқуқи билан улуш ажратилиши;
- аҳоли томорқаларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун 20-30 тонналик кичик ҳажмли совутгичлар барпо этиш учун кредит ажратилиши;
- тижорат банклари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасида уч ой имтиёзли давр билан бир йил муддатга 4 фоиз банк маржасини ҳисобга олган ҳолда аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш йўналишида 2 миллион сўмгача Оилавий тадбиркорлик маркази хулосасисиз On-line тарзда

томорқа ер эгаларига микрокредитлар ажратиш механизмини жорий этилди.

### Кластер усулида фаолият юритадиган “Томорқа хизмати МЧЖларни ташкил этиш учун қўйиладиган минимал талаблар<sup>3</sup>



Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда алоҳида худудларда ишлаб чиқариш кооперациясига асосланган кластерли ёндашув иқтисодий самарали усул эканлиги тажрибада ўз исботини топган. Кластерли ривожланиш назариясининг асосчиси М.Портернинг фикрича, кластерлар давлат иқтисодиёти учун ички бозорни ривожлантириш нуқталари ҳисобланади, тобора кўп кластерларнинг ташкил этилиши натижасида мамлакатнинг халқаро рақобатбардошлиги ошади<sup>4</sup>. Шунингдек, ташкил этишнинг кластер шакли инновациянинг янги шаклини – “умумий инновацион маҳсулотни” яратишга хизмат қилади. Кластер иштирокчилари ўртасида барқарор алоқаларнинг ўрнатилиши ихтироларнинг инновацияга ўтишига, кейинги босқичда эса инновацияларнинг рақобат устунликларига айланишига ёрдам беради, инновацияга йўналтирилганлик – кластернинг энг муҳим фарқли белгиси ҳисобланади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, маҳаллалар доирасида деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари билан кластер ташкилотлари ўртасида

<sup>3</sup> Муаллиф томонидан тузилган

3. Портер М. Международная конкуренция. – М.: Международные отношения, 1993. - С.37.

мустаҳкам иқтисодий алоқалар ўрнатилишига қуйидагилар асос бўлиб ҳисобланади:

1. Маҳаллаларнинг ихтисослашуvidан келиб чиқиб, деҳқончилик, балиқчилик, қуёнчилик, паррандачилик, асаларичилик, мева-сабзавотчилик йўналишларида оилавий тадбиркорлик орқали даромад топиш, иш билан банд бўлиш истагида бўлган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиши;
2. Хомашё етиштириш, уни ташиш, сақлаш, қайта ишлаш, сотиш – буларнинг барчаси битта субъект томонидан амалга оширилиб, маҳсулотнинг арзон ва сифатли бўлиши;
3. Маҳаллалар аҳолисини қишлоқ хўжалигида оилавий тадбиркорликка жалб этувчи ва қўллаб–қувватловчи бошқариш тузилмаси ва механизмининг ишлаш самарадорлигининг пастлиги;
4. Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари ҳамда корхоналарнинг тизимли занжири ташкил қилиниши эвазига турли йўқотишлар камайиши ва хомашёга муҳтожлик сингари ҳолатлар барҳам топиши;
5. Қишлоққа саноатнинг кириб бориши туфайли одамлар индустриал меҳнат бобида ҳам кўникма, малака ҳосил қилиб, инновацион ғояларнинг айнан қишлоқларда шаклланиш имконияти юзага келиши;
6. Маҳалла аҳолисини қишлоқ хўжалигида оилавий тадбиркорликни ташкил этиш ва юритиш билан боғлиқ турли даражадаги муаммоларни мавжудлиги;
7. Кластер таркибидаги деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари, корхоналар ва бошқа субъектларнинг барқарор ишлаши таъминланиши;
8. Кластерга асосланган иш юритиш механизми ҳар қандай шароитга мослаша олиши, шунинг баробарида иқтисодий, ижтимоий муаммолар ҳал қилинишига кўмаклашиши;
9. Бир қанча соҳалар мутахассислари кооперацияси вужудга келиши ҳамда бу ўз навбатида, инновацион иқтисодиётга ўтиш учун йўл очиши.
10. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасидаги муаммоли кредитларнинг вужудга келмаслигига замин яратилиши.



### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. [www.Lex.uz](http://www.Lex.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони
3. Портер М. Международная конкуренция. – М.: Международные отношения, 1993. - С.37.
4. Қодиров А., Ахмедиева А., Убайдуллаев Д. Кластер механизми. *Agroiqtisodiyot*, №1, 2017.-Б.38-44.; Носирходжаева Д.С. Формирование стратегии развития промышленных предприятий на отраслевых рынках. Диссертационная работа на соискание ученой степени д.э.н. – Е.: ИЭ АН РУз, 2011, -С.26.; Захидов Г.Э. Ўзбекистон енгил саноатида ишлаб чиқаришни кластер усулида ташкил этиш ва бошқариш самарадорлиги. Иқтисодийёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. РУз БМА, 2017.-24 б.
5. М.П.Козлов. Региональные агропромышленные кластеры: методические аспекты формирования и развития в условиях инновационной экономики. *Экономика и социум*, №2(21), 2016г.-С.18